

МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАРНИНГ САУДИЯ АРАБИСТОНИ ИДЕНТИКЛИГИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДАГИ РОЛИ

Ризаев Азизжон Раҳимжонович –

Тошкент давлат шарқшунослик университети тадқиқотчиси

Аннотация: мақолада Саудия Арабистонида сиёсий идентикликни мустаҳкамлаш мақсадида миллий қадриятларга асосланган миллийликни ўрнатишга қаратилган саъй-ҳаракатлар очиб берилган. Араб дунёсида миллийлик, маданий мерос ва қадриятлар ҳамда диний мафкуранинг ривожланиши, шунингдек, уларнинг ўзаро боғлиқлиги ва минтақадаги вазиятга таъсири кўриб чиқилган. Саудия Арабистони валиаҳди Муҳаммад бин Салмон томонидан мамлакатда миллий идентикликни мустаҳкамлаш ва консерватив тенденцияларни сусайтириш йўлида амалга оширилаётган ислоҳотлар атрофлича очиб берилган. Саудия Арабистонининг ҳозирги ички ва ташқи сиёсатини ишлаб чиқиш ва илгари суришда миллий мерос ва маданий қадриятларга таянилиши кўрсатиб берилган.

Калит сўзлар: миллийлик, глобаллашув, ислом, қадриятлар, маданий мерос, саудияликлар, салафийлар, идентиклик, панарабизм, теократия, монархия, ислоҳотлар, радикализм.

Аннотация: в статье освещаются усилия, направленные на создание национальной идентичности, основанной на национальных ценностях, для укрепления политической идентичности в Саудовской Аравии. В ней рассматривается развитие национализма, культурного наследия и ценностей, а также религиозной идеологии в арабском мире, их взаимосвязи и их влияние на региональную ситуацию. Реформы, реализованные наследным принцем Саудовской Аравии Мухаммедом бин Салманом для укрепления национальной идентичности в стране и смягчения консервативных тенденций, всесторонне изучаются. В статье демонстрируется, как национальное наследие и культурные ценности используются при формулировании и продвижении внутренней и внешней политики Саудовской Аравии.

Ключевые слова: национализм, глобализация, ислам, ценности, культурное наследие, саудовцы, салафиты, идентификация, панарабизм, теократия, монархия, реформы, радикализм.

Abstract: This article explores the efforts aimed at establishing a national identity in Saudi Arabia based on national values, with the purpose of strengthening political identity. The development of nationalism, cultural heritage and values, as well as

religious ideology in the Arab world, their interrelationships, and impact on the regional situation are examined. The reforms implemented by Saudi Crown Prince Mohammed bin Salman to reinforce national identity in the country and mitigate conservative tendencies are thoroughly elucidated. The article demonstrates how national heritage and cultural values are utilized in the formulation and promotion of Saudi Arabia's current domestic and foreign policies.

Keywords: nationalism, globalization, Islam, values, cultural heritage, Saudis, Salafists, identity, Pan-Arabism, theocracy, monarchy, reforms, radicalism.

Диний идентиклик Саудия Арабистони миллий идентиклигининг, хусусан, Подшоҳлик миллийлигининг узвий қисми бўлиб келмоқда. Буни бошқача таърифлаганда саудиялик бўлиш учун Подшоҳликда туғилишнинг ўзи кифоя эмас, балки шу билан бирга у мусулмон-сунний ҳам бўлиши керак¹. Саудия миллийлиги Р.Брубакернинг² ёндашуви асосида таҳлил қилинганда уни этно-диний миллийлик деб баҳолаш мумкин. Зеро, Ол Сауд ва Ол аш-Шайх оилалари ўртасидаги иттифоқ ҳозирги ҳудудда Саудия Арабистонининг давлатчилиги шаклланишини легитимлаштириб берди.

XX асрнинг 80-йилларидан Саудия Арабистони Подшоҳлиги (САП) раҳбарияти изчил равишда миллий идентикликнинг диний компонентини ривожлантириб борди. Бу, айниқса, Саудия Арабистони подшоҳи ўзининг “Икки муқаддас масжид ходими” (Макка ва Мадина шаҳарларидаги) деб номланувчи унвонидан фаол фойдаланишида яққол намоён бўлди. Подшоҳ Салмон бин Абдулазиз Ол Сауд ўзидан аввалги подшоҳлар каби “биз ва халқимиз ислом динининг муқаддас ерлари ҳимоячиларимиз” деб таъкидлаш орқали ҳозирги Саудия миллий идентиклигининг мазмун-моҳиятини белгилаб берди³. Гади Хитман Саудия миллийлигини ваҳобийликнинг бир тури сифатида таърифлар экан, узоқ вақт давомида фақат Ҳанбалий мазҳабидаги шахслар мамакат сиёсий ҳаётида иштирок этиши ва сиёсий қарорларни қабул қилишга таъсир кўрсатиши мумкин бўлганлигини таъкидлаган⁴. Саудия Арабистонининг қолган аҳолиси Подшоҳлик паспортига эга бўлсаларда бундай ҳуқуқдан маҳрум эдилар. Бу нафақат мамлакатнинг Шарқий вилоятда

¹ Hitman G. Saudi Arabia's Wahhabism and Nationalism: The Evolution of Wataniyya into Qawmiyya // Digest of Middle East Studies. Vol. 27. No. 1. P. 81.

² Brubaker R. Nationalism Reframed: Nationhood and the National Question in the New Europe. Cambridge University Press, 1996. P. 65.

³ Ближний Восток: Политика и идентичность. Коллективная монография / Под ред. И.Д.Звягельской / ИМЭМО РАН. –М.: Издательство «Аспект Пресс», 2020. С. 71

⁴ Hitman G. Saudi Arabia's Wahhabism and Nationalism: The Evolution of Wataniyya into Qawmiyya // Digest of Middle East Studies. Vol. 27. No. 1. P. 81.

яшовчи шиаларига, балки Ҳижознинг Моликий ва Шофиъий мазҳабидаги аҳолисига ҳам тааллуқли. Юқорида айтиб ўтилган гуруҳларнинг вакиллари Подшоҳлик ҳуқуқ-тартибот идораларига жалб қилинмаган ва уларга давлат идораларида юқори лавозимларни эгаллашга рухсат берилмаган. Бироқ сўнгги ўн йил ичида мамлакатни либераллаштиришга қаратилган саъй-ҳаракатлар ўзанида вазият нафақат Ҳижоз вакиллари учун, балки шиаларга ҳам ижобий кўринишда ўзгара бошлади.

Ҳозирги вақтда Саудия Арабистонида давлат миллийлигининг янги шакли тез суръатларда ривожланмоқда. Халқаро бозорда нефтнинг юқори нархларини ушлаб қолиш, маҳаллий мега-лойиҳаларни амалга ошириш, жаҳон спортида иштирок этиш, хорижий давлатлар билан алоқаларни кенгайтириш каби чоратадбирлар ушбу миллийлик стратегияси доирасида расмий ар-Риёд томонидан амалга оширилаётган ички ва ташқи сиёсат билан боғлиқ. Ёшларга қаратилган ушбу дастурлар, миллий идентикликни тиклаш ва давлат билан жамият ўртасидаги муносабатларни яхшилашга қаратилган бўлиб, бу ўзгаришлар “юқоридан пастга” йўналишида амалга оширилади.

Бу ташаббуслар аллақачон аниқ натижаларга эришди. Саудия Арабистони яқин Шарқдаги деярли барча можаро зоналари ва геосиёсий ёриқларга жалб қилинган бўлиб, сўнгги пайтларда улар минтақадаги кескинликни пасайтириш ҳаракатининг бошида турибди. Саудия Арабистони ҳукумати ривожланаётган кўп қутбли дунё тартибининг реаллигини тан олади ва АҚШнинг эътирозларига тез-тез дуч келиб, қисқа ва узоқ муддатда ўз манфаатларини энг яхши тарзда илгари суриш учун ўзини мос тарзда кўрсатади.

Саудия валиаҳди Муҳаммад бин Салмон Подшоҳликда миллийлик ғоясини мустаҳкамлаш орқали ўзининг мамлакат ижтимоий-сиёсий жараёнларга таъсирини мустаҳкамлашга интилоқда. Муҳаммад бин Салмон Саудия Арабистони миллий идентиклигининг муҳандиси сифатида амалга ошираётган сиёсатида миллийлик ғояси асосий ўрин тутмоқда. Муҳаммад бин Салмон Саудия Арабистонида миллий идентикликни фақат дин билан боғлашни ўзгартириш мақсадида унинг тасаввурида “саудиялик” бўлиш нимани англатишини халққа етказишга интилоқда. Бироқ Саудия Арабистонининг ривожланиш тарихи давомида диний идентиклик ҳукмрон Ол Сауд оиласининг легитимлигини таъминлаб келган.

Муҳаммад бин Салмон Саудия миллийлигини мамлакатни асосий бирлаштирувчи кучга айлантиришга интилади. Дин ар-Риёд учун давлат бошқарувининг муҳим воситаси бўлиб қолса-да, янги миллийлик ҳаракатларини қўллаб-қувватланишига қаратилган. Бу, валиаҳд шаҳзода

кўрсатмаси билан амалга оширилаётган турли ислоҳотларда яққол намоён бўлмоқда. Улар жумласидан Саудия Арабистони тарихини дин билан ифодаланишини ўзгартириш, аёлларга автомашина бошқариш, алоҳида яшаш ва васийсиз саёҳат қилишга рухсат бериш, кинотеатрлар фаолият юритиши ва турли хил концерт дастурларини ташкил этишга рухсат бериш, коррупцияга қарши кураш, экстремистик ғояларни тарғиб қилувчи руҳоният вакиллари хибсга олиш каби чораларни зикр этиш мумкин. Ўқув адабиётлари янги Саудия миллийлик ғояси нуқтаи назаридан қайта кўриб чиқилди ва мамлакатни пан-араб ва пан-ислом ғояларидан узоқлаштирди.

Аста-секин янги шаклда Саудия Арабистони миллий идентиклигининг мафкуравий базиси яратилмоқда. Ислом динига мансублик араб тили, миллийлик ва этник тушунчаларни четга суриб, ўзаро бирлашишнинг янги шаклига айланмоқда. Шунингдек, ар-Риёд мамлакатда миллийлик лойиҳасини амалга ошириш воситаси сифатида милитаризациядан фойдаланмоқда. У ҳарбий рамзларни жамиятни бирлаштириш ва аҳоли ўртасида давлатга нисбатан умумий хайрихоҳлик ва садоқат туйғусини шакллантиришда фойдаланмоқда.

Геосийсий маконда Саудия Арабистони дин пешволари XX асрнинг 50-60-йиллари Миср Президенти Гамал Абдунносир раҳбарлигидаги араб миллатчилари ва социалистларининг панараб ғояларига қарши чиқиб, 1962 йилда Жаҳон Ислом Лигасини ташкил этилишига эришдилар. Бу жараён араб давлатлари ўртасида миллийлик ва социализм мафкураси асосида турли интеграцион лойиҳалар амалга оширилишига тўсқинлик қилиши керак эди. Ар-Риёднинг нуқтаи назарича, араб дунёси фақат ислом динига мансублик идентиклиги асосида бирлашиши мумкин ва бунда Саудия Арабистони уламолари тарғиб қилувчи Муҳаммад бин Абдуваҳҳобнинг диний ғоялари етакчилик қилиши лозим бўлади.

Миллийликни ривожлантиришда иқтисодиётни ривожлантириш муҳим аҳамиятга молик. Валиаҳд Муҳаммад бин Салмон мамлакатда субсидияларни кескин камайтириш орқали Подшоҳликда нефт даромадларига таяниб қолмаган иқтисодиётни шакллантириш йўлида саъй-ҳаракатлар қилмоқда. Бундай ташаббусларга қарамай нефт даромадлари Саудия Арабистони учун ханузгача муҳим аҳамиятга эга. Подшоҳликда кенг ислоҳотларни амалга ошириш учун Муҳаммад бин Салмонга катта сармоя керак, бироқ Саудия Арабистони иқтисодиётининг барқарорлиги нефтдан келадиган даромадларга боғлиқ.

Бунда “Vision 2030” стратегияси янги иқтисодий ривожланишнинг асоси бўлиб, у Саудия Арабистонини Яқин Шарқдаги энг йирик иқтисодий марказга ва халқаро молия бозорига айлантириш кўзда тутилган. Бу мақсадга эришиш учун Саудия Арабистонининг халқаро майдондаги имиджини янги шарт-шароитларга мослаштирган ҳолда Подшоҳликнинг янги қиёфасини яратишга ҳаракат қилинмоқда. Бунинг учун мамлакатда туризм ривожлантирилмоқда, турли халқаро спорт мусобақаларида фаол иштирок этилмоқда, инвестиция форумлари ўтказилмоқда ва Подшоҳликни мўътадил ислом тарафдори сифатида кўрсатувчи турли халқаро ташаббусларни илгари сурмоқда.

Саудия Арабистони “Vision 2030” дастурини амалга ошириш, айрим соҳаларда, айниқса, хусусий секторни ривожлантириш ва нефтга боғлиқ бўлмаган давлат даромадларини оширишда қатор қийинчиликларга рўбарў келмоқда. Масалан, 2022 йилда жаҳон бозоридан нефт нархининг юқорилиги туфайли Саудия Арабистони иқтисодиёти 8,7 фоизга ўсган бўлса-да, бу Подшоҳликка охириги 10 йил ичида биринчи марта бюджет профицитига эришиш имконини берди. Дунё миқёсида иқтисодий тараққиётнинг секинлашуви кузатилаётган шароитда нефт маҳсулотлари савдосидан олинган даромад Саудия Арабистони учун яқин истиқболда муҳим бўлиб қолади деб мулоҳаза қилинади.

Юқорида зикр этилганлардан келиб чиқиб, қуйидаги хулосаларни чиқариш мумкин:

Глобаллашув Саудия Арабистонининг миллий идентиклигига чуқур таъсир кўрсатиб, кескин қарама-қаршиликлар ва муаммоларни келтириб чиқаради. Бир томондан, глобал иқтисодиётга интеграция Саудия жамиятининг очиклиги ва модернизациясини талаб қилади. Бошқа томондан, бу муқаррар равишда анъанавий қадриятларнинг емирилишига ва диний қадриятларнинг заифлашишига олиб келади. Ушбу қарама-қаршилик Саудия Арабистони ижтимоий ҳаётининг барча соҳаларини қамраб олмоқда ва миллий ривожланиш йўллари тўғрисида қизғин мунозараларга сабаб бўлмоқда.

Саудия Арабистони модернизация ва дунёга очикликни ўзининг маданий ва цивилизацион идентиклигини сақлаб қолиш билан бирлаштирган мувозанатли ёндашувни ишлаб чиқиши зарур. Саудия Арабистони Ислом дунёси ва араб цивилизациясининг етакчиси сифатидаги мавқени сақлаб қолишга интилмоқда. Саудия Арабистони XXI аср муаммоларига жавоб берадиган янги миллий идентикликни ишлаб чиқмоқда. Ислом дунёсида етакчиликни мустаҳкамлаш Саудия Арабистони ташқи сиёсатида устувор вазифа бўлиб қолмоқда. Ёшлар орасида миллий ғурур туйғусини кучайтириш мақсадида

Саудия ҳукумати мамлакатнинг ижобий имиджини, фан ва санъат ютуқларини медиа-маконда фаол тарғиб қилмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Hitman G. Saudi Arabia's Wahhabism and Nationalism: The Evolution of Wataniyya into Qawmiyya // Digest of Middle East Studies. Vol. 27. No. 1. P. 81.
2. Brubaker R. Nationalism Reframed: Nationhood and the National Question in the New Europe. Cambridge University Press, 1996. P. 65.
3. Ближний Восток: Политика и идентичность. Коллективная монография / Под ред. И.Д.Звягельской / ИМЭМО РАН. –М.: Издательство «Аспект Пресс», 2020. С. 71
4. شاهر الغياليين، دينا شقير. معوقات التحول الديمقراطي في الدول العربية // مجلة أفاق للأبحاث السياسية والقانونية، الجلد 3، عدد 5، عام 2020، 417-396 ص
<https://www.asjp.cerist.dz/en/article/163044>
5. الجابري محمد عابد "مسألة الهوية: العروبة والإسلام... والغرب". بيروت: مركز دراسات الوحدة العربية. 1995م
6. جمال عبدالجواد. نهاية العالم العربي // مركز المصري للفكر والدراسات الاستراتيجية، القاهرة، 24.09.2023
<https://ecss.com.eg/11052>
7. الجابري محمد عابد "مسألة الهوية: العروبة والإسلام... والغرب". بيروت: مركز دراسات الوحدة العربية. 1995م
8. بلحبيب رشيد «الهويات اللغوية في المغرب: من التعايش إلى التصادم». في: مجموعة مؤلفين "اللغة والهوية في الوطن العربي: إشكاليات تاريخية وثقافية وسياسية". الدوحة؛ بيروت: المركز العربي للأبحاث ودراسة السياسات، 2013م. ص 247
9. فرحاتي عمر. معوقات التحول الديمقراطي في الدول العربية // مجل العلوم الانسانية لجامعة بسكرة ص 144-137، عدد 29، في الجزائر، <https://www.asjp.cerist.dz/en/article/3766>
10. إيمان أحمد. قراءات نظرية: الديمقراطية والتحول الديمقراطي // المعهد المصري للدراسات، 28.02.2016. <https://eipss-eg.org>، 6-5 ص
11. أنصاف محمد. حروب الربيع العربي: نسخة موسعة ومعدلة من حرب حزيران // "مداد" – مركز دمشق للأبحاث والدراسات. 20.02.2017 عام،
<http://www.dcrs.sy/search/node/%3A%20%20%20>